

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
ИНСТИТУТИ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ

КУРС ИШ

МАВЗУ: Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар

**Бажарди: 3-ҳуқуқ факултети 2 курс 3
гуруҳ талабаси Раҳимбергана Бону**

**Текширди: “Фуқаролик
ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси
Қ.М.мехмонов**

2013 йил

МАВЗУ: МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР

1. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари
 2. Мулк ҳуқуқининг мазмуни
 3. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари
 4. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллари
 5. Мулк шакллари
 6. Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси ва турлари
 7. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи
 8. Бошқалар мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи
(сервитут ҳуқуқи)
- Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари

Жамиятнинг иқтисодий негизи-мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади. Мулккий муносабатларсиз, иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга.

Мулкчилик муносабатлари-жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан инсоннинг бойлиги бўлмиш ашё, буюм ёки бошқа нарсага нисбатан эғалик ҳис-туйғуси билан боғлиқ муносабат, иккинчидан, ана шу бойлик, неъмат хусусида кишилар ўртасида вужудга келган муносабатдир. Кишилар буюмларни, неъматларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради. Мулксиз ўзганинг мулкчини ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс маънода ҳали мустақил эмас. Неъматлар икки йўсинда: ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалари ва ишлаб чиқариш натижалари сифатида ўзлаштирилади.

Мулкчилик бу-масъулият билан манфаатнинг узвий бирлиги ҳисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати-унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, ҳатти-ҳаракат, феъл-атворини иқтисодий мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради¹.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шахсни мулкдан бегоналашувига асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавқега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб қўйилди².

Табиат бойликлари ва киши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Юқорида айтганлардан маълум бўлишича, мулк ишлаб чиқаришнинг зарур шarti ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси ҳисобланади.

¹ Саранг: А.Улмасов, М.Шарифхўжаев, Иқтисодий назария. Т., “Меънат”, 1995 йил, 133-бет.

² Саранг: Х.Рахмонёулов. “Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследование). Т., “Адолат”, 1995 йил, 34-бет”

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

Юридик маънодаги “мулк” тушунчаси тўғрисида тўхталиб шуни айтиш керакки, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар тизими-юридик маънодаги “мулк” тушунчасида қўлланилади. Бу маънодаги мулк мулк ҳуқуқи сифатида қўрилади.

2. Мулк ҳуқуқининг мазмуни

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив маънодаги мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларини, усулларини белгилаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун халқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси назарда тутилади. Чунончи, мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деб айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади.

Мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунчалари мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган б элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонунда белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда , ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўзининг манфаатларини кўзлаб, бировнинг (учинчи шахсларнинг) тазйиксиз, зўрлашсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазйиқ кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродасини эркин амалга оширишнинг кафолатлайди ва муҳофаза қилади. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдор мулккий ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган

фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорнинг ўзи хзоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкӣ битимлар тузишига мажбур қилиши, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Юқорида айтганимиздек, мулк ҳуқуқи уч элемент-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Аввало деганимизнинг боиси шундаки, мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага қўйилишида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонат қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқароларга ўтказилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб бировларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бировнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкни қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи-мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойдаланишдир. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки бирмунча вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бировнинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб фойдаланилса, бунда фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи -мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар туза олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар

билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага қўйишда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бировга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга (яъни мулкдорга) ўтади.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида унинг кимнинг қўлида бўлишлиги аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи йўқолади.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсадларда, бировнинг зарарига фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор ҳуқуқларининг, ваколатларининг чегараса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига асосан мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк-ер участкаси эгаси қўшни ер участкаси эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло маҳрум қилмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Серситут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқа туртиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир (ФКнинг 173-моддаси);

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини қўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида нафақат мулкдорнинг ҳуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. ФКнинг 174-моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкӣ ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин (Масалан, ФКнинг 190-моддасида кўзда тутилган асослар бўйича).

3. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк ҳуқуқининг олинishi ёки йўқотилиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар назарда тугилади.

Мулк ҳуқуқининг олинishi асосларида жамиятнинг иқтисодий тизими ўз ифодасини топади. Мулк ҳуқуқининг олинishi: дастлабки ва ҳосила асосларига бўлинади.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалга мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Мулк ҳуқуқининг дастлабки асосда вужудга келиши:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олинishi;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжаликсиз билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, ҳазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига ҳосдир. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўла маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади (ФКнинг 187-моддаси).

Муҳими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорида белгиланишича, ушбу 187-модданинг

қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига (яъни, янги ФК амалга киритилгунга қадар) қадар бошланган ва кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Демак, ушбу ҳолати бўйича ФК нормаси орқага қайтиш кучига эга бўлади.

Мулк ҳуқуқи вужудга келишининг дастлабки асослариданяна бири-ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришдир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишча, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбурғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк ҳуқуқи ўрмонлардан қўзқорин, мевалар териш, дашт-у тоғлардан доривор гиёҳлар тўплаш, дарё ва қўллардан балиқ овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бироқ, маълумки, ушбу мулк объектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк ҳуқуқи асосида бошқага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк объектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вақтда балиқ ва бошқа жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара қилиниб, ов қуроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Эгасиз ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам дастлабки асосда вужудга келади. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Эгасиз кўчар ашёларга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин. Бундай ашё тегишли давлат органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи аризасига мувофиқ қўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи органда ҳисобга олиниб, уч йил ўтгач тегишли давлат органи талаби асосида суд томонидан давлатга ўтказилиши мумкин.

ФКнинг 192-моддасида топилмага нисбатан мулкый ҳуқуқларнинг вужудга келиши хусусиятлари белгиланган. Унда кўрсатилишича, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

ФКнинг 193-моддасига асосан олти ой мобайнида топилманинг эгаси аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади (агар у бу ҳуқуқдан воз кечса, топилма давлат мулкига ўтади).

ФКнинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Хазина деб эгасини аниқлаш мумкин бўлмаган ёки у қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган, ерга қўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг мулкдорининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бироқ хазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли.

Хазина топиш учун қазилма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига қирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар)га нисбатан юқоридаги қоидалар қўлланиламайди (ФКнинг 196-моддаси, 5-банди).

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган усул назарда тутилади. Бу усулда мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келганда бу мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ўзларига тегишли ашёга нисбатан эгалик ҳуқуқи бир шахсда, яъни сотиб олувчида пайдо бўлади.

Мулк ҳуқуқининг ҳосила усулида вужудга келишига мисол қилиб олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қарз шартномалари, шунингдек қонун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали олинишини кўрсатса бўлади.

Фуқаролик кодексининг 185-моддасида кўрсатилганидек, шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бировга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эгалик ҳуқуқи бундай шартнома нотариал гувоҳлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган патидан эътиборан вужудга келади.

Қонунда уй-жой (квартира) га мулк ҳуқуқининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қўрилаётган янги уй-

жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан кўрилатган уй-жой қурилиш тамом бўлганча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Давлатга қарашли уй-жой (квартира) га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батмом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади (ФКнинг 210-моддаси). Баъзи ашёларга нисбатан эса эгалик ҳуқуқи ашё топширилишидан сўнг ёки ашёнинг қиймати тўла ёки қисман тўлангандан сўнг вужудга келиши белгиланиши мумкин.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилган ҳолда, агар бундай ўтказиш тегишли органлардан рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса, ашёга нисбатан эгалик ҳуқуқи шартноманинг қайд қилиниши пайтидан эътиборан вужудга келади.

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг ўтиш пайти қонунда муқаррар белгиланиши бировга ўтказиладиган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида келган зарар кимнинг зиммасида бўлишлигини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ФКнинг 175-моддасида белгиланган қоида бўйича мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келган зарар мулк эгасининг зиммасида бўлади.

Агар ашёларни бировга ўтказувчи шахс топширишни ёки олувчи уларни қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари кечиктирган тарафда бўлади. Масалан, сотиб олувчи қурилиш материалларини қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилишидан келган зарарни ўз зиммасига олади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш усуллари ҳам хилма-хил. Бу усулларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

1) мулкдорнинг ўз эрки-иродаси бўйича мулк ҳуқуқини бекор бўлиши (масалан, мол-мулкни сотиш, ҳадя қилиш ва ш.к.);

2) мол-мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиб ташлаш) ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши (ФКнинг 198-моддаси);

3) мулкдорнинг эрки, иродасидан ташқари мол-мулкнинг олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади (ФКнинг 199-моддаси).

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида

бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади (ФКнинг 199-моддаси, 2-банди).

Ашёларга нисбатан эгалик ҳуқуқи баъзи ҳолларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ашёлар табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, zilзила натижасида тасодифан nobуд бўлишида мулк ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади. Баъзи ҳолларда, чунончи, қарзни қоплаш учун ижро варақаси бўйича ҳақ ундирилишида ёки мол-мулкнинг мусодара қилинишида эгалик ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлиши мумкин.

4. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (36,53,54-моддалар), ФК (164, 165, 172, 228, 231-моддалари) ва бошқа қонунларда мулк ҳуқуқининг қуйидаги асосий тамойиллари ўз ифодасини топган:

1. Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиз, мулкдорнинг мулкий ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва мулкдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин;

2. Иқтисодиёт самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади.

3. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланади ва уларнинг тенг ривожланишига шароит яратиб берилади.

4. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни ўз хоҳишига кўра содир этишга ҳақли.

5. Мулкий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан кўриқладиган манфаатларга путур етказмаслиги шарт.

6. Ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақли.

5. Мулк шакллари

Иқтисодий маънодаги мулк шакллари дейилганда моддий неъматларни ўзлаштириш усуллариининг йиғиндиси тушунилади. Бундай усуллар якка тартибда ёки жамоат бўлиб ёхуд давлат томонидан амалга оширилиши мумкин¹.

Юридик маънодаги мулк шакли-моддий неъматларни муайян субъектларга тегишли бўлишини (бириктириб қўйишликни) мустаҳкамловчи ва тегишли мулкнинг ҳуқуқи режимини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.

¹ Саранг. Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. М. Юр.лит., 1991й, 45-46 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк;
2. Оммавий мулк.

Давлат мулк шакллари ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулк шакллари бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади. Ўз навбатида хусусий мулк шакли қуйидаги кўринишларда (турларда) намоён бўлади:

- а) якка шахсга (индивидга) тегишли мулк (фуқаролар мулки);
- б) нодавлат юридик шахслар мулки.

Оммавий мулк таркибига қуйидагилар киради:

- а) Ўзбекистон Республикаси мулки;
- б) маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк).

6. Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси ва турлари

Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси. Фуқаролик-ҳуқуқий нормалари – ашёвий ҳуқуқнинг, хусусий ҳуқуқ мазмунининг ташкилий тизимли асоси ҳисобланади. Узоқ муддатли танаффусдан сўнг “ашёвий ҳуқуқ” атамаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топди. Мулк ҳуқуқларни ашёвий ва мажбурият ҳуқуқига бўлиниши роман-герман ҳуқуқ оиласининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Қонунчиликда “ашёвий ҳуқуқ” атамасининг жуда кўп ишлатилишига қарамасдан, ушбу атаманинг илмий таҳлили тадқиқ этишни талаб этади. Мамлакатимиз цивилистлари қандай ҳуқуқлар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади ва бу ҳолатлар нималарда кўрилади деган масалага эътибор қаратадилар. Уларнинг барчасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Зеро, ушбу атаманинг узоқ йиллар амалиётда қўлланмаганлигининг юристлар томонидан унитилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари (ФКнинг 1-моддаси) санаб ўтар экан, ФК улар жумласига мулкнинг дахлсизлиги тамойилини ҳам киритади, балки шунинг учун ҳам “мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши тартиби» фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг алоҳида предмети сифатида олинган (ФКнинг 2-моддаси 1-қисми). Ашёвий муносабатларни тартибга солиш ФКнинг 2-бўлимида батафсил ифодаланган бўлиб унинг номи «мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар» деб номланади ҳамда 7 боб (13-19-боблар) ва 70 модда (164-233-моддалар)ни ташкил этади. Фикримизча, бу меъёрлар объектив ашёвий ҳуқуқ сифатида кўрилиши керак¹.

¹ Шунини таъкидлаш жоизки, бу муносабатларни тартибга солишчи яна бир қонун ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонуни (1991 йил 30 октябр) ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш

Ушбу институтда марказий ўринни мулк ҳуқуқи эгаллайди. Чунки, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ушбу “кучли” ҳуқуқ (мулк ҳуқуқи)дан келиб чиққан ҳисобланади. Бир қатор сабабларга кўра, мулк ҳуқуқига тегишли белгиларни бошқа ашёвий ҳуқуқларга ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи ФКнинг бу бўлимини “ашёвий ҳуқуқлар” деб номлашдан воз кечади. Зеро, кодекс лойиҳасини тайёрловчилар турли йўналишли мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг умумий белгиларини ажратиб бера олмадилар. Ушбу бўлимни “мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар” деб номланишидан келиб чиқиб², “шахс” ашёга нисбатан мутлоқ ҳукмронликни расмийлаштирувчи мулк ҳуқуқининг ўзи асосий ва тўлиқ ашёвий ҳуқуқни ташкил этади. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи нуқтаи назаридан ашёвий ҳуқуқ объектив маънода фуқаролик ҳуқуқининг институти сифатида ўз ифодасини топмаган.

Рим ҳуқуқи илдизларига эга континентал ҳуқуқ тизими тамойилларига мувофиқ, ашёга нисбатан фақатгина битта ҳуқуқ “мулк ҳуқуқи” мавжуд, бошқа ҳуқуқлар эса, тўлиқ ҳуқуқлар ҳисобланмайди, булар “бошқа ашёвий ҳуқуқлар”дир. Ашёвий ҳуқуқларнинг қонунчилик модели куйидаги унсурлардан ташкил топади. Биринчидан, мулк тегишлилигининг бу шакли (мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар) ва уларнинг тизими (ашёвий ҳуқуқлар турлари ва ашёвий ҳуқуқлар классификацияси (турларга бўлиниши). Иккинчидан, ашёвий ҳуқуқ субъектининг объектга бевосита таъсири бўйича ҳуқуқдорлигининг мазмуни. Учинчидан, ашёвий ҳуқуқ объектларининг ҳуқуқий тартиби³. Тўртинчидан, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари ҳамда усуллари. Бешинчидан, ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва уларнинг кафолатлари. Ушбу унсурлар (компонентлар)га тааллуқли ФК нормалари боблар бўйича куйидаги тузилишни ҳосил қилади: умумий қоидалар, ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқини вужудга келиш ва бекор бўлиши, хусусий мулк, оммавий мулк, умумий мулк, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Ушбу меъёрларнинг катта қисми мулк ҳуқуқига бағишланганлигини англаш қийин эмас (ажабланарли жихати шундаки, барча ашёвий ҳуқуқларга мўлжалланган умумий қоидаларда ҳам

тартиби тўғрисида”ги 1996 йил 29 август қарорининг 2-бандига мувофиқ, ушбу қонуннинг ФКга зид келмайдиган қисмлари қўлланилади. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996. №11-12 сонларига илова). Юқоридаги асосларга кўра амалда бўлган Мулкчилик тўғрисидаги қонун нормалари ҳам ашёвий ҳуқуқнинг бир қисmini ташкил этади.

² МДХнинг бошқа давлатларидаги ашёвий ҳуқуқлар ҳолати аҳамиятга моликдир. Масалан, агар Арманистоннинг 1998 йил 17 июндаги Фуқаролик кодексининг 1-бўлими “Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар» (Арманистон Республикасининг расмий Ахборотномаси №17 (50). 1998 йил 10 август) деб номланса, Грузиянинг 1997 йил 26 июндаги Фуқаролик кодексининг 2-китоби «ашёвий ҳуқуқ» деб номланади (Грузия парламенти //Парламетис уцкебеби. 1997. №32), Озарбайжон Республикасининг 1998 йил 28 декабрдаги Фуқаролик кодексининг 3-бўлими ҳам худди шундай номланади (2000 йил 19 майдаги “Азарбайжон” газетасига махсус илова) ва Туркменистоннинг 1999 йил 1 мартдаги Фуқаролик кодексининг 2-қисми (Lexing for Sys №799) ҳам шундай номланади.

³ Арманистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ФКларида “фуқаролик ҳуқуқининг объектлари” номли алоҳида бўлим мавжуд. Айни пайтда Грузия, Озарбайжон ва Туркменистон ФКлари бу ҳолатларни “ашёвий ҳуқуқлар” бўлими таркибига киритади.

нормаларнинг катта қисми мулк ҳуқуқига тегишлидир). Ашёвий ҳуқуқ институтининг умумий қурилиши ва ашёвий ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг таҳлили мамлакатимизда ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун нормаларига нисбатан бир қатор салбий ҳулосаларни чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, ФКнинг 2-бўлими маъмурий қоидалар таъсирини камайтира олмаган. Бунинг натижасида ашёвий ҳуқуқлар оммавий ҳуқуқ таъсирдан етарли даражада ҳимояланмаган. Бу ҳолат “халқ хўжалигини совет даврида бошқаруви”дан келиб чиққан хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқида ўз ифодасини топади. Шунингдек, оммавий ва хусусий мулк бўйича субъектга нисбатан турли ҳуқуқий тартибда мустаҳкамланган нормаларда давлатнинг оммавий мулк субъекти сифатида махсус имтиёзга эга бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, мазкур бобнинг 12 моддасидан фақатгина 1 таси, 165-модда – ҳақиқатан ҳам умумий меъёрларни ифодалайди⁴. Бу ўринда ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги умумий қоидаларга яққол мисол Япония Гражданлик кодекси бўлиб, ундаги ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги умумий қоидалар боби ҳақиқатан ҳам барча ашёвий ҳуқуқлар учун хос бўлган умумий қоидаларни мустаҳкамлайди⁵.

Учинчидан, ФКнинг 165-моддасидаги ашёвий ҳуқуқлар турлари бошқа қонунларга ҳавола этилган намунавий турлардир⁶. Ҳали ашёвий ҳуқуқларнинг қатъий белгилари ўрнатилмаган. Фақатгина қонунда уларнинг ёпиқ рўйхати берилган экан балки уларга қандайдир ўзгартириш киритиш керакдир.

Ашёвий ҳуқуқларнинг мавжуд рўйхати ашёвий ҳуқуқларнинг континентал ҳуқуқ оиласига мансублигини характерлайди, гарчи турли миллий ҳуқуқ тизимларида бир хил бўлмасада⁷.

Тўртинчидан, ашёвий ҳуқуқ нормалари жуда ноқулай жойлашган. Яъни, ашёвий ҳуқуқлар тизимида сервитутлар умумий қоидаларда ифодаланган бўлса, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулк ҳуқуқига бўлган бобда, гаров мажбурият ҳуқуқи бобида уй-жой ва табиий ресурсларга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар эса, ФКдан ташқарида (ўзга

⁴ ФКнинг 170 ва 171-моддалари табиий ресурсларга ва уй-жойга бўлган муносабатларнинг хусусиятларига оид ашёвий ҳуқуқларни махсус қонунларга ҳавола қилади. ФКнинг 173-моддаси эса, сервитутларга тааллуқли. Қолган барча моддалар фақатгина мулк ҳуқуқига бағишланган.

⁵ Қаранг: Сакаэ Вагацума, Тару Ариидзуми. Гражданское право Японии. В двух книгах. Книга первая. /Под ред. Р.О.Халфиной. перевод В.В.Батуренко. –М.: 1983. стр.116-169.

⁶ Фикримизча, бу ҳолат ҳам баҳслидир: агар Япония ГҚда яққол ифодаланган бўлса, Россия Федерациясига нисбатан бу қоида расмийлик ҳолатидан, яъни, РФ ГҚнинг 131-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш белгисидан келиб чиқади. (Қаранг: Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации ч.1. (по статейный). /Под ред. О.Н.Садиковой. –М.: Инфра-М. 1997. с.277). Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси ФҚдаги ўхшаши ФКнинг 84-моддаси 1-қисми – ҳуқуқнинг ашёвий характери тўғрисида мажбурий талабларни ифодаламайди, балки умумий атамалар қолипи мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар)ни “қонун кўзда тутганлик” ҳолати кўрсатилмасдан ифодалайди. Шу билан бирга РФ ГҚда нафақат ашёвий ҳуқуқлар балки, уларга нисбатан чеклашлар ҳам давлат рўйхатидан ўтиши лозимлиги белгиланган. Бу эса, айний ҳолатдир.

⁷ Қаранг Маттеи Уго. Основные принципы права собственности.- В кн.: Основные положения права собственности.-М.: Юристы.1999.С.37,117-119. ушбу тамойил Азарбайжон, Арманистон, Грузия ва Туркменистон ГҚлари қўшиладилар.

конунларга ҳавола қилиш орқали) ифодаланганки, бу ҳолат ашёвий ҳуқуқлар қурилишини бузади.

Бешинчидан, ФКда ашёвий ҳуқуқлар субъект (фуқаролар, унитар корхоналар)ни ёки объект (ер участкаси, уй-жой)ни кўрсатиш орқали ифодаланадики, бу халқаро юридик эсперанто (тилшунослик)ни ташкил этувчи цивилистиканинг анъанавий атама (узус, узуфрукт, инфитевзис, хабитацио, суперфиций)ларга хос бўлмаган жумлалар орқали баён этилишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ашёвий ҳуқуқлар деганда ашёвий ҳуқуқлар тизимини, улар субъектларининг ваколатлари мазмунини ва объектларнинг ҳуқуқий тартиби (режимини) уларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асосларини, шунингдек ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва кафолатларини мустаҳкамловчи нормалар йиғиндиси тушунилади⁸.

Субъектив маънодаги ашёвий ҳуқуқлар. Одатда, мулк икки хилдаги муносабат орқали ифодаланади. Биринчидан, ваколатли шахс билан объект ўртасидаги боғлиқлик, ва иккинчидан, ваколатли шахс ҳамда ўзга шахс ўртасидаги боғлиқлик. Товар муомаласида бу боғлиқлик шахснинг объектга бевосита ҳуқуқи маъносида тушунилади; ёхуд бевосита ҳуқуқий боғланишда бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидир⁹.

Агар биринчи ҳолатда шахснинг ҳуқуқи объектга боғлиқ ҳолда амалга оширилса, иккинчи ҳолатда эса, шахснинг ўзига боғлиқ бўлган объектга нисбатан шахсий мажбурияти асосида амалга ошириладиган ҳаракатлари натижасида мавжуд бўлади. Бундай бўлинишнинг ҳуқуқий оқибати шунда кўринадикки, биринчи вазиятда субъектнинг ҳуқуқи барчага ва ҳар кимга қарши қаратилган ва барча ҳамда ҳар ким учун аҳамиятли (*erga omnes*); ҳуқуқ предмети объектнинг ўзида ифодаланар экан, даъво орқали ҳимоя биринчи навбатда объектга нисбатан ҳуқуқни тиклашга қаратилади. Иккинчи вазиятда эса, ҳуқуқ фақатгина бажарилиши ҳуқуқ предметини ташкил этадиган ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини берган муайян субъектга қаратилади. Шунинг учун ҳам бу ерда даъво орқали ҳимоя қилиш қарздорда бўлади ҳамда агар мажбурият ижро этилмаганда сўз зарарни ундириш тўғрисида бўлади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг икки турини ифодаловчи Бирлинг Конвенциясининг бундай уйғунлашуви биринчи ҳолатда ҳуқуқ предмети сифатида объектнинг ўзида ифодаланса, иккинчи ҳолатда эса, мажбурият объектга қаратилган бўладикки,¹⁰ бу ҳуқуқни мутлоқ ва нисбийга ажратиш имконини беради.

⁸ Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси берилган ўзга таърифларга қаранг: Скрыбин С.В. Гражданско-правовые проблемы понятия вещного права.: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Алматы: КГЮУ. 1998. С.14; Гражданское и торговое право капиталистических государств. / Под ред. Е.А. Васильева. – М.: Международные отношения. 1993. С.194.

⁹ Трепицын И.Н. Гражданское право губерний Царства Польского и Русское. Общая часть Обязательственного права. – Варшава. 1914. С.3-7.

¹⁰ Агарков М.М. Обязательство по советскому гражданскому праву. – М.: Юриздат. 1940. С.22; Иоффе О.С. Правоотношения по советскому гражданскому праву. – Л.: Изд-во ЛГУ. 1949. С.76.

Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар одатда, объектив муносабатлар сифатида характерланади, яъни: барча учинчи шахслар мутлоқ ҳуқуқни бузишдан тийилишлари лозим. Ушбу қоида асосида кўпчилик цивилистлар мутлоқ ҳуқуқнинг белгиларидан келиб чиқиб, ашёвий ҳуқуқ тушунчасини беришга ҳаракат қиладилар¹¹.

Бунда шу ҳолатни ҳисобга олиш лозимки, биринчидан ҳуқуқий муносабатни мутлоқ ва нисбий турларга бўлинишга шартли характерга эгаллиги муносабати билан амалиётда ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмайди¹². Зеро, нисбий ҳуқуқий муносабатларда ваколатли шахсининг ҳуқуқларни бузишдан тийилиш мажбурияти нафақат у билан шахсий муносабатлар асосида боғланган муайян контрагент зиммасида балки, ҳар қандай учинчи шахс зиммасида ҳам бўлади¹³. Иккинчидан, ашёвий ҳуқуқларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар кенгроқ мезон ҳисобланади. Шу билан бирга ҳамма ашёвий ҳуқуқлар ҳам мутлоқлик касб этмайди (масалан, закат)¹⁴.

Муаммо шундаки, (агар кўриб чиқаётган схемани мутлоқ ҳуқуқдан мулк ҳуқуқигача нисбий ҳуқуқдан мажбурият ҳуқуқигача соддалаштирилса) мажбурий талабларга мулк ҳуқуқи тан олинадими? Масалан, ижара муносабатларида ижарага берилаётган мулк бўйича турли хил муносабатлар: ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида нисбий ва ижарага берувчи ва бошқа шахслар ўртасида мутлоқ муносабатлар келиб чиқади.

Анъанавий фуқаролик қонунчилиги субъектив ашёвий ҳуқуқ (мулк ҳуқуқи бундан мустасно) тушунчасини ифодаламайди ва шунингдек, цивилистиканинг анъанавий марказий атамаларидан бири сифатида ашёвий ҳуқуқлар доимий равишда ўрганиладиган предмет бўлиб келган. Яъни, фуқаролик қонунчилиги анъанавий равишда субъектив ашёвий ҳуқуқнинг **децинциесидан** қочади ва унинг баҳсли белгиларини кўрсатиш билан чегараланади: ҳуқуқнинг давомийлиги ва ашёвий ҳуқуқий ҳимоя (ФКнинг 165-моддаси 2 ва 3-қисмлари).

Қонунчиликдаги бундай қатъиятсизликнинг самараси ўларок цивилистикада ашёвий ҳуқуқнинг субъектив ҳуқуқ сифатидаги тушунчасини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун цивилистлар мутлоқ ҳуқуқни ажратиш характерли¹⁵ жиҳатларидан фойдаланишса, бошқалари – ашёвий ҳуқуқларнинг белгиларини

¹¹ Қаранг: Синайский В.И. Русское гражданское право. Общая часть и Вещное право. – Киев. 1914. С.203; Иоффе О.С. Указ. соч. С.98, 103.

¹² Қаранг: Райхер В.К. Абсолютные и относительные права // Известия экономического факультета Ленинградского политехнического института. Вып. I. 1928; Генкин Д.М. Право собственности в СССР. – М.: Госюриздат. 1961. С.37-46.

¹³ Ефимова Л.Г. О соотношении вещных и обязательственных прав. // Государство и право. 1998. №10. С.38.

¹⁴ Бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг “нисбийлиги” ҳар доим мулкдор шахси билан асосланади. Қаранг: Гражданское право. Часть 1. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М.: Проспект, 2000. С.332; Асыянов Ш.М. Право публичной собственности.– В кн.: Материалы практической конференции “Совершенствование законодательства о собственности в условиях рыночной экономики”. – Т.: ГТЦ. 1995. С.24-25. (Далее по тексту – Материалы).

¹⁵ Қаранг: Джусупов А.Г. Право собственности и иные вещные права. – Алматы: Жеті Жарлы. 1996. С.11; Гражданское и торговое право капиталистических государств. С.194-195.

умумлаштиришдан¹⁶ фойдаланишади. Ҳар қандай ҳолатда у ёки бу жиҳатни барча томонидан ўрганаётган қоидаларнинг шартлилиги таъкидланади. Зеро, битта мулк ҳуқуқи тушунчаси билан унга ўхшаш бошқа ҳуқуқларни киритмасдан, ундан келиб чиққан чекланган ашёвий ҳуқуқлар (масалан, закат)ни камраб олиш жуда мушкул. Ашёга нисбатан “хўжалик ҳокимияти” ёки унга “бевосита таъсир” каби умумлаштирувчи атама қонуний мустаҳкамланмаган ва ўз-ўзидан ҳеч қандай оқибат туғдирмайди.

Ашёга нисбатан ҳокимиятнинг “нисбийлиги” мутлоқ ҳуқуқларда жуда ҳам шартли ва сунъий қурилма (конструкция) сифатида анча олдин шубҳали фикр деб ҳисобланган.

Субъектив ашёвий ҳуқуқларнинг юқорида кўрсатилган икки томони (ашёга кўрсатиладиган таъсирнинг бевоситалиги ва учинчи шахсларнинг бундай ҳаракатларни амалга ошира олмасликлари) ашёвий ҳуқуқлар характеристикаси учун етарли эмас. Ашёвий ҳуқуқ ва мажбурият ҳуқуқининг чекланганлиги, уларнинг ўзганинг мулкига нисбатан амалга оширилишида умумлашади. Шу муносабат билан ФКнинг 165-моддасида кўрсатилган белгилар етарли бўлмайди. Шу билан бирга бундай тақсимланиш континентал ҳуқуқда шуниси билан аҳамиятлики, бундай тақсимланиш фуқаролик ҳуқуқининг тегишли институтларини ажратилиши муносабати билан аниқлаш имконини вужудга келтиради¹⁷. Хусусан, ФКнинг 2-моддаси 1-қисми фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларни кўрсата туриб, ашёвий ҳуқуқлар ва мажбурият ҳуқуқларини бир-биридан ажратади ва қарама-қарши қўядики, ФКнинг 2 ва 3-бўлимлари шу асосда номланади. Шу сабабли Ю.К.Толстой ашёвий ҳуқуқ тушунчасини ёритишда асосий эътиборни ҳуқуқдор шахснинг мажбуриятларни қондиришда ушбу шахснинг актив (фаол) ҳаракатлари ва бошқа шахсларнинг ушбу ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик қабилидаги пассив мажбуриятига қаратади¹⁸. Шундай қилиб, субъектив маънодаги ашёвий ҳуқуқ деганда, ваколатли (ҳуқуқдор) шахснинг манфаатларини унинг хўжалик ҳокимияти остида бўлган ўз ашёсига бевосита таъсир этиш йўли билан ва бошқа шахсларнинг бундай таъсир этишини чеклаш асосида қондириш тушунилади. Агар субъектнинг объектга муносабатини англатувчи бевосита таъсир ашёвий муносабатларнинг моддий томонини кўрсатса, мол-мулкнинг хўжалик муомаласидаги ўрнини белгиловчи, бошқа шахсларнинг бундай таъсирдан маҳрум этилганлиги шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий тизимини кўрсатади.

Ашёвий ҳуқуқларни ажратиш мақсадида цивилистикада уларнинг қуйидаги белгилари санаб ўтилади:

Индивидуал белгиланган (хусусий аломатли) ашёга бевосита йўналтирилганлик; қатъий белгиланган юридик мазмун ва вужудга келиш

¹⁶ Қаранг: Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском праве России. – М.: Бек. 1996. С.16-17; Гражданское право. Том 1. / Под ред. Е.А. Суханова. – М.: БЕК. 1994. С.284; Вещные права в Республике Казахстан. / Отв. ред. М.К. Сулейменов. – Алматы: Жеті Жарғы. 1999. С.25.

¹⁷ Қаранг: Иоффе О.С. Советское гражданское право: (Курс лекций): Общая часть. Право собственности. Общее учение об обязательствах. – Л.: Изд-во ЛГУ. 1958. С.75 и сл.

¹⁸ Қаранг: Гражданское право. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 2000. С.328.

усуллари, муддатсизлик характери, давомийлик ҳукуқи, ашёвий-ҳуқуқий талабларни имтиёзли қондириш, рақобатда устунликка эга бўлиш ҳукуқи, ҳимоянинг ашёвий ҳуқуқий усуллари, шунингдек уларнинг мутлоқ ҳуқуқ сифатидаги бошқа ўзига хос белгилари¹⁹. Ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан ашёвий ҳуқуқларни ушбу “ўзига хос” белгиларини доимий таҳлил қилиш натижасида, уларнинг ҳар бири шартлилик касб этиши аниқланган. Яъни, миллий қонунчиликда юқорида санаб кўрсатилган ашёвий белгилар мавжуд бўлмаган ҳолда ашёвий ҳуқуққа эга шахслар, ҳамда мажбурият белгилари зиммасида бўлмаган лекин мажбурият ҳуқуқига эга шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ифодаланган. Бу ҳолатлар адабиётларда мажбурият ҳуқуқи ва ашёвий-ҳуқуқий унсурларнинг ўзаро киришиш аъъаналари сифатида ва аралаш ашёвий – мажбурият ҳуқуқининг вужудга келиши сифатида қайд этилади²⁰.

Шу билан бирга бундай илмий-тадқиқот кузатишлари ашёвий ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий институтлар чегарасини бузмаслиги керак. Агар қонун бунга йўл қўйган бўлсада²¹.

Бунда гап миллий қонунчиликнинг у ёки бу субъектив ҳуқуққа барчага қарши туриш хусусияти (мулк билан кетма-кет турувчи имтиёзли ашёвий ҳуқуқ)ни беради-ми ёки йўқми, ҳамда бундай ҳуқуқнинг ҳуқуқий – ашёвий табиатини тан олишнинг юридик оқибати нимада эканлигидир. Зеро, ашёвий ҳуқуқларнинг баҳссиз белгилари мавжуд бўлсада, инчунун ашёвий ҳуқуқларнинг мутлоқ ҳимояси тўғрисидаги меъёрларни қўллашда ягона асос континентал ҳуқуқ тизими учун хос бўлган уларнинг қонун билан қатъий белгиланган (ёпиқ) рўйхатидир²².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФК 165-моддаси ашёвий ҳуқуқларнинг тахминий рўйхатини мустаҳкамлайди ҳамда шу асосда “мулк ҳуқуқи билан бир қаторда, хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади... (муаллиф томонидан тизилган - У.А.)” иборасининг белгиланиши бу норманинг ёпиқ қонун эмаслигини кўрсатади²³. Ашёвий ҳуқуқлар қатъий рўйхатининг мавжуд эмаслиги амалий натижага эга. Биринчидан, ашёвий ҳуқуқларнинг юридик мазмуни ва вужудга келиш усулининг қатъий белгиланганлигини тўлиқ инкор этади ҳамда Кодексида ашёвий ҳуқуқларнинг стандарт тарзда ифодаланиши ашёвий ҳуқуқларни

¹⁹ Қаранг: Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общие положения. – М.: Статут. 1997. С.222-237; Ефимова Л.Г. Указ. соч. С.35-44; Вещные права в Республике Казахстан. С.7-25, 164-171.

²⁰ Қаранг: Кавелин К.Д. Права и обязанности по имуществам и обязательствам в применении к русскому законодательству. Опыт систематического обозрения. – СПб. 1879. С.66; Брагинский М.И. К вопросу о соотношении вещных и обязательственных правоотношений. – В сб.: Гражданский кодекс России. – М. 1998. С.114; Ефимова Л.Г. Указ. соч. С.44.

²¹ Қаранг: Агарков М.М. Указ. соч. С.23-31.

²² Батафсил қаранг: Гражданское и торговое право капиталистических государств. С.195-196; Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. – М.: Дело. 2000. С.155; Маттеи Уго. Указ. соч. С.37, 65, 139-140. Ушбу аъъанани давом этириб Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Туркманистон ФКлари ашёвий ҳуқуқларнинг ёпиқ рўйхатини белгилайди.

²³ Бошқача фикр қаранг: Суханов Е.А. Право собственности и иные вещные права в России. – В кн.: Основные положения права собственности. – М.: Юристъ. 1999. С.320-325; Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. С.414.

тарафлар эркин равишда тузадиган мажбурият ҳуқуқидан фарқлаши лозим²⁴. Оқибатда бу юридик жиҳатдан қийин таснифланадиган тегишлилик фактик ҳолатини вужудга келишига олиб келади, а йникса, агар мулкни топширишда эгалик титули кўрсатилмаганда, бу ҳол яққол кўзга ташланади. Иккинчидан, амалиётда ҳуқуқни ашёвий ва мажбурият турларига бўлинмайди. Зеро, бундай бўлиниш суд орқали ҳимоя қилиш усулида бир қанча тушунмовчиликларни вужудга келтиради. Учинчидан, қуйидагиларга кўра ашёвий ҳуқуқлар рўйхати (турлари)ни кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас: а) баъзи ашёвий ҳуқуқларни – ашёвий деб топиш ва б) совет ҳуқуқидан мерос қолган хўжакўрсинлик андозалари (конструкциялари)нинг мавжудлиги.

Бунинг оқибатида у ёки бу шахснинг (амалиётда юридик шахсларни ташкил этишда кенг тарқалган) фойдасига ёзиладиган кейинчалик ваколатларни кенгайтишига олиб келадиган битта объектга нисбатан амалга ошириладиган “мол-мулк бўйича” ҳуқуқларнинг чексиз вужудга келиши ҳисобланади. Мулк ҳуқуқини ўзгарган кўриниши шаклида бир қанча ҳуқуқлар келиб чиқади: доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, корпоратив бошқариш, мустақил бошқариш, муддатсиз ижара ва шу кабилар.

Ашёвий ҳуқуқларни ажратиш муаммоси мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида ҳал этилмасдан қолмоқда. Зеро, у ёки бу ҳуқуқнинг ашёвий эканлигини тан олишнинг юридик аҳамиятини инкор этмас эканмиз, бунда улардан қай бири имтиёзли ашёвий ҳуқуқий ҳимоя этилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз керак бўлади. Ҳолбуки, ушбу ҳолатда ҳам қонунчилик ашёвий ҳуқуқлар рўйхатини беркитилиши (ўзгармаслиги, қатъийлиги)га имкон бермайдиган турли тушунарсиз жумлаларни келтириш билан чекланади. ФКнинг 232-моддаси ашёвий ҳимоя ҳуқуқини мустақкамлаш билан бирга бу ҳуқуқ мулкка қонунда ёки шартномада кўзда тутилган асосларга кўра эгалик қилаётган ҳар қандай шахсга тегишли бўлишини ифодалайди²⁵. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар ашёвий ҳуқуқ субъекти ФКнинг 232-моддаси асосида ашёни натура ҳолида мулкдордан ҳам талаб қилиб олса, кредитор мажбурият ҳуқуқи асосида ФКнинг 331-моддасига биноан индивидуал – белгиланган ашёни қарздордан олиб қўйишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Ашёвий ҳуқуқларни мажбурият ҳуқуқидан фарқлари мутлоқ ҳимоя воситаси сифатида ашёни мажбурий топширишни қўллаш имкониятини белгиламайди. Фарқ шундаки, мулкка нисбатан ваколатли барча шахсларга ҳуқуқ қай даражада қарши қўйилиши мумкинлиги билан белгиланади. Ҳуқуқнинг ашёвий эканлигини тан олиш, эътироф этишнинг юридик кучи – бу ҳуқуқнинг мулкдорга қарши қўйилганлиги билан ўлчанмайди. Чунки,

²⁴ В.А. Плетнев бу макет “қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда номланмаган, махсус ашёвий ҳуқуқни вужудга келтиради” деган хулосага келади. (Гражданское право. Учебник для вузов. Часть 1. / Под ред. Т.И. Илларионовой, Б.М. Гонгало, В.А. Плетнева. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА · М. 1998. С.297.)

²⁵ В.А.Плетнев “ҳар қандай титулли бошқарув ўз табиатига кўра, ашёвий ҳисобланади ва шу билан бирга шартнома асосида ҳам келиб чиқади” деган хулосага келса (Ўша ерда), М.К.Сулейменов ашёни эгаллаш имконини берувчи барча ҳуқуқларни ашёвий ҳуқуқ ҳисоблайди. (Қаранг: Вещные права в Республике Казахстан. С.21-24.)

мажбурият ҳукуқи ҳам мутлоқ ҳимоядан фойдаланиши мумкин (ФКнинг 331-моддаси). Ҳуқуқнинг бундай таъсири мажбурият ҳукуқи ва вақт бўйича амал қилувчи бир турдаги ҳуқуқларда имтиёзли ҳимоя кўринишида намоён бўлади²⁶.

Ашёвий ҳуқуқ турлари. ФК ашёвий ҳуқуқ жумласига қуйидагиларни киритади: мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдирилган ер участкасига эгалик қилиш, ер участкасидан умрбод эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутлар (ФКнинг 164-165-моддалари). Бу рўйхат “хусусан” атамасига биноан ифодаланган, ҳамда ФКнинг 2-бўлимида ифодаланмаган яна қандай ҳуқуқлар ашёвий ҳуқуқлар таркибига киради деган савол туғилади.

ФКнинг 165-моддасида «қатъий» ифодаланган ашёвий ҳуқуқларга “тахминий” қуйидаги ҳуқуқларни келтириш мумкин: даромад келтирадиган фаолиятни амалга оширишдан келадиган фойдани мустақил тасарруф этишни таъсис этиш ҳуқуқи (ФКнинг 180-моддаси 2-қисми), ипотека ва закатат кўринишидаги гаров (ФКнинг 265-моддаси), ушлаб қолиш (290-модда), мулкдор оила аъзоларининг ҳуқуқлари, шунингдек уй-жойдан фойдаланиб, мулкдор билан бирга доимий яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқлари (1998 йил 24 декабрдаги Уй-жой кодексининг 32-моддаси) ва уй-жой квартирани умрбод таъминлаш шарти билан бериш шартномаси бўйича (ФКнинг 530-534-моддалари) ёхуд меросдан воз кечиш асосида (Уй-жой кодексининг 121-123-моддалари), сотиб олиш шарти билан ижара ҳуқуқи (ФКнинг 556-моддаси, 541-модда ва Уй-жой кодексининг 89-моддаси, кооператив аъзосининг кооперативдаги квартирани сотиб олишгача бўлган ҳуқуқи (Уй-жой кодексининг 100-101 моддалари), шунингдек муддатли бошқарув (ФКнинг 187-моддаси).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ашёвий ҳуқуқларнинг тахминий рўйхати баҳслидир²⁷.

Цивилистикада гаров ва ижаранинг турларининг ашёвий ҳуқуқларга тааллуқлилиги хусусида кўплаб тортишувлар мавжуд²⁸.

Амалда барча машҳур ашёвий ҳуқуқ классификациялари мулк ҳуқуқи эгалик билан бир ҳил даражада унинг чегарасидан ташқарида бўлишидан

²⁶ Масалан, агар мулкдор иккинчи шахс яшаш имкониятини қўлга киритиб, яшаб турган квартирани биринчи шахсга фойдаланиш учун берса, биринчи шахснинг ҳуқуқларини тан олишнинг ҳуқуқий оқибати иккинчи шахсни мустақил (мулкдорни аралаштирмаган ҳолда) уйдан кўчириш натижасида ашёвий кўриниш ҳосил қилиши мумкин. Агар биринчи шахснинг ҳуқуқлари ашёвий ҳуқуқий кўринишда бўлмаса, у мулкдордан фақатгина етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. иккала шахснинг ҳуқуқлари ҳам ашёвий ҳуқуқлар тизимига киради деб ҳисобланса, уларнинг ўзаро рақобатида “prior in tempus potior in ius” (вақт бўйича биринчи ҳуқуқда устундир) тамойили асосида ҳал қилинади. Қаранг: Маттеи Уго. Указ. соч. С.117-119, 231-234.

²⁷ Гражданское право. / Под ред. Е.А. Суханова. С. 285; Вещные права в Республике Казахстан. С.22-25; Гражданское право. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 1997. С.312.

²⁸ Қаранг: Брагинский М.И., Витрянский В.В. Указ. соч. С.236-237, 395-404. Так, если Рахманкулов Х.-А. Р. относит залог к вещным правам, а аренду к обязательственным (Қаранг: Раҳмон=улов Ҳ. Ўзбекистон республикаси Фу=аролик Кодексининг биринчи =исмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд.–Т.: И=тисодиёт ва шу=у= дунёси. 1997. 315, 316б.), то И.Б. Закиров, напротив, аренду рассматривает в числе вещных прав, отказывая в этом залогоу. (Қаранг: Зокиров И. Ўзбекистон Республикасини фу=аролик шу=у=и. К. 1.–Т.: Адолат. 1996. 159б.)

келиб чиқади³. Лекин уларнинг бариси мукамал эмас⁴, ҳуқуқ субъектлари (давлат, унитар корхоналар, фуқаролар) ва объект турлари (ер, уй-жой) га нисбатан қатъий қарамликка йўл қўяди. Шу билан бирга, ашёвий ҳуқуқ мазмуни ҳуқуқни белгиловчи ушбу параметер ёки критериларга энг кам асосланиши керак. И.А.Пакровский⁵ ишлаб чиққан ашёвий ҳуқуқлар тизимига тузатишлар киритиб, биз мулк ҳуқуқини асос қилган ҳолда уларни мулк ҳуқуқи томон таснифлашни таклиф қиламиз.

Мулк ҳуқуқининг ўзиникига нисбатан, боқа ашёвий ҳуқуқларнинг бегона мулкка нисбатан, амалга оширишнинг шубҳасиз факти цивилистларнинг ашёвий ҳуқуқлар турини бўлиниши ва мулк ҳуқуқининг уларнинг тизимида марказий фигура деб ҳисоблашга доир кам учрайдиган яқдилликни таъминлади. Бундай бирламчи дихотомияга ўз хайри хоҳлигини қонун чиқарувчи ҳам ФК 2-бўлимида билдирди, шунингдек бир вақтнинг ўзида мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқ битта объектга нисбатан бирлашиши мумкин эмаслигига нисбатан ҳам муносабат билдирган. Таснифнинг 1- босқичини бўлиниш критерийси шахснинг мулкка муносабати бўлган жуфтлик ҳосил қилади:

1. мулк ҳуқуқи.
2. бошқа ашёвий ҳуқуқлар
- 2- босқичда мулк ҳуқуқи, мулкдорнинг ашёга бўлган чекланган ҳуқуқлари мавжуд ёки йўқлигига қараб,
 - а. тўлиқ ва
 - б. юкланган ҳуқуқларга бўлинади.

Бошқа ашёвий ҳуқуқлар мулк ҳуқуқи билан рақобатлашади ва унга ҳамроҳлик қилади ёки қарши туради, яъни мулк ҳуқуқига нисбатан позитив ёки негатив ҳуқуқларни ҳосил қилади.

3- босқичда позитив ҳуқуқлар (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқлари), бегона мулкга таъсир даражаси ва улардан келадиган ҳосил ёки даромаднинг тақдирига қараб қуйидагиларга бўлинади:

а. сервитут ҳуқуқлари- уларга сервитутлар (ФК173-м), мулкдор оиласи аъзолари ва улар билан доими яшовчи фуқароларнинг турар жойдон фойданиш ҳуқуқи (УК 32-м); турар жойни бегоналаштириш шартномасига кўра турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, умрбод таъминлаш шартин билан (ФК530-534-м) ёки мерос қолдириш орқали ундан воз кечиш УК (121-123-м).

б. Фойдаланиш ҳуқуқлари, улар ўз ичига хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқлари (ФК 176-181-м), ердан мерос қолдириш ҳуқуқи билан доимий фойдаланиш, доимий фойдаланиш ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари (Ер К 19,20-м), муассасанинг даромат келтирувчи фаолиятини амалга ошириб, олинган фойдани мустақил таъсаруф этиш ҳуқуқи (ФК180-м)

³ Гражданское право. / Под ред. Е.А. Суханова. С. 285; Вещные права в Республике Казахстан. С.22-25; Гражданское право. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 1997. С.312.

⁴ Классификациялар тўлиқ анализи, қаранг: Вещные права в Республике Казахстан 25-376.

⁵ Покровский И.А. юкорида кўрсатилган адабиёт 192 ва 207-б.

Нигатив ҳуқуқлар (ашёни қайтариб олиш ҳуқуқлари), ўзганинг мулкига нисбатан реал ҳокимияти ўрнатишга ёки ундан компенсацион бойлик олишга қаратилганлигига қараб, қуйидагиларга бўлинади:

а. Эгалаш ҳуқуқи, унга муддатли эгалик⁶ (187-м,ФК), кейинчалик сотиб олиш билан ижара ҳуқуқи (ФК 556-м,УК 41,89-м),ширкат аъзосининг сотиб олишгача ширкат квартирасига бўлган ҳуқуқи (УК 99-м).

б. Гаров ҳуқуқи, у закат, ипотека шаклидаги гаровга қўйиш ҳуқуқлари (ФК 265-м) ва ушлаб қолишдан (ФК 290-м) иборат.

Юқоридаги ашёвий ҳуқуқлар рўйхати уникал фойдаланиш ҳуқуқлар туфайли ўзининг бесўнақайлаги билан одамни шоширади: хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқи⁷, муассасанинг ўзи топган даромадини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи. Кўпгина бошқа ҳуқуқлар узурфрукт ёки узурф ёхуд узурф муддатли фойдаланишга бирлаштириб юборилиши мумкин эди²⁹.

7. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари

Оммавий ашёвий ҳуқуқлар. Оператив бошқарув ва хўжалик юритиш ҳуқуқлари тенгсиз ҳуқуқий конструкциялар ҳисобланади ва фақат собиқ социалистик республикалар ҳуқуқий тизимларига хосдир. Камдан-кам истеснолар билан бу ашёвий ҳуқуқлар асосан давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотларига хизмат қилади³⁰. Юқоридаги конструкциялар марказлаштирилган ва маъмурий хўжалик юритиш атрибутлари сифатида мдх цивилистларининг асосли танқидига сабаб бўлган³¹. Бу ашёвий ҳуқуқларни оммавий дейиш мумкин, чунки улар кўпинча, оммавий мулк ва нотижорат соҳаси доирасида амалга оширилади.

Оммавий ашёвий ҳуқуқ мазмуни. Бу ашёвий ҳуқуқларнинг ўзига хос хусусияти-уларнинг субъектлари маҳсус субъект ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти бўлиб фақат ҳар қандай мулк эгаси томонидан ташкил этилган унитар корхона ҳисобланади. Оператив бошқарув ҳуқуқи субъекти бўлиб фақат оммавий мулкдор томонидан ташкил этилган корхона ёки ҳар қандай мулкдор томонидан тузилган муассаса бўлиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган объектлар – бу ўз мулкига эга бўлмаган ва, шунинг учун, товар айланмасида ҳеч нарса ютқазмайдиган ягона ва бетакрор юридик

⁶ Даже в ракурсе приобретательной давности владение не вписывается в рамки классификации, ведь оно применимо и к бесхозяйному имуществу, но бессильно против собственника. Қаранг: Скловский К. Приобретательная давность. // Российская юстиция. 1999. №3. С.18-19

⁷ При этом право оперативного управления не равнозначно для государственного предприятия (ст.179) и учреждения (ст.180), в связи с чем вполне оправдан вывод о наличии двух разных форм проявления одного вещного права. (Қаранг: Суханов Е. А. Указ. соч. С.328-331.)

²⁹ қаранг: introduction to dutch law for foreign lawyers.Secend revised edition edited by J.M.J. Chorus.-The Netherlands, deventer: kluwer. 1993.p.63

³⁰ Редкие случаи использования этих вещных прав частными собственниками включают негосударственные учреждения и унитарные предприятия, такие, например, как заводы Coca-Cola в Намангане и УП Muzimprex-Tijorat. Последнее предприятие интересно тем, что выкупило всю долю своей материнской компании-собственника.

³¹ Дозорцев В.А. Принципиальные черты права собственности в Гражданском кодексе. – В сб.: Гражданский кодекс России. – М. 1998.С.228-271; Скрябин С.В. Указ. соч. С.16-17.

шахслар ҳисобланади³² (ФК70-м 1.қ,76-м). Ушбу ашёвий ҳуқуқ эгалари ҳуқуқ ваколатлари мазмуни нуктаи назарида қараганда, улар мулк ҳуқуқи сингари эгалик, фойдаланиш ва тассаруф этиш ҳуқуқлари орқали белгиланади. Мулк ҳуқуқидан фарқли ушбу ашёвий ҳуқуқларни амалга оширишда намоён бўлади. Агар хўжалик юритиш ҳуқуқи фуқаролик кодексида белгиланган доирада амалга оширилса оператив бошқарув эса “қонунда белгилаб қўйилган доирада ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда” амалга оширилади. Хусусан бу мулкдорнинг қолдиқ ваколатлари мавжудлигида ва ушбу ашёвий ҳуқуқлар асосида берилган мулкни тассаруф этиш тартибида намоён бўлади. Фуқаролик Кодекси, аслида ашёвий ҳуқуқларнинг 2 конструкцияси ва юридик шахсларнинг 3 хил ташкилий – ҳуқуқий шакли билан аралашувидаги бир неча ҳуқуқий режимларни ўрнатади.

Унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз бегоналаштиришга ёки бошқача усулда тассаруф этишга ҳақли эмас. Лекин у кўчма мулкдан бошқа барча мулкни мустақил тассаруф этишга ҳақли (ФК177-м, 4.5қ). Бунда хўжалик юритиш ҳуқуқи асосланган унитар корхона ва мулкдорнинг қолдиқ ҳуқуқлари ўртасида кўчмас мулкка нисбатан мулквий ваколатлар тақсимланиши етарлича қатъий ўтказилган. Унитар корхона мулкдор розилиги билан ўзига тегишли мулкнинг бир қисмини хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ажратиб, ўзининг шўъба корхонасини таъсис этиши мумкин. Шўба корхонаси хўжалик юритиш ҳуқуқи асосланади ва юқорида кўрсатилган унитар корхонага тегишли ҳуқуқларга эга бўлади. Лекин, бунда, унинг “мулкдори” таъсисчиси ҳисобланади. У таъсис ҳужжатлари ёрдамида шўъба корхонанинг хўжалик юритиш ҳуқуқларини қисқартириши мумкин (ФК 71-м,3.қ). Давлат корхонаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига бириктирилган ҳар қандай мулкни, мулкдорнинг розилигисиз бегоналаштириши ёки бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас. Лекин у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини мустақил реализация қилиши мумкин (ФК 179-м). Бунда давлат корхонасига бириктирилган мулк эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мулкни қайтариб олиши ва уни ўз хоҳиши бўйича тасарруф этиши мумкин (ФК 178-м,2.қ). Буерда давлат корхонасининг ўзи билан мулкдорнинг қолдиқ ваколатлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан мулквий ҳуқуқлар тақсимооти амалга оширилган. Мулкдорнинг қолдиқ ваколатлари фақатгина оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган мулкни тасарруф этишга розилик беришга эмас; балки ушбу мулкни корхонадан қайтариб олиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади.

Муассаса ўзига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган ёки смета бўйича ажратилган воситаларга сотиб олинган мулкни бегоналаштиришга ёки бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас (ФК 180-м,1.қ). Муассаса мулкдорнинг қолдиқ ваколатлари унинг давлат

³²Қаранг: Суханов Е. Право хозяйственного ведения и право оперативного управления Комментарий Гражданского кодекса Российской Федерации // Хозяйство и право. 1995. №7. С.4.

корхонасига нисбатан ваколатларидан фарқ қилмайди (ФК 178-м,2.к). Лекин ФКнинг ушбу қондаси, нодавлат муассасасининг мулки унинг таъсисчилари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас, деган қоидага зиддир (1999й., 14 апрель №763-І “нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни 36-м,5.к).

Шу билан бирга, муассаса таъсис ҳужжатларида рухсат берилган фойда келтирувчи фаолият билан шуғуланишидан олган фойдаси ва бунинг ҳисобига олган мулкни мустақил тасарруф этин ҳуқуқига эга. Бундай мулк муассасанинг алоҳида балансида ҳисобга олинади (ФК 180-м,2.к). Табиийки, мулкдорда муассасага топширилмаган мулкка нисбатан ҳеч қандай қолдиқ ҳуқуқлари бўлмайди. Лекин амалиётда ушбу мулк муассасага мулк ҳуқуқи асосидами, мустақил тасарруф этишгами, ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тушадими, каби қўплаб саволлар туғулади.

Қонунчиликда ҳам, амалиётда ҳам, юқорида кўрсатилган субъектларга ҳада қилинган ёки мерос қолдирилган мулкка нисбатан қандай ҳуқуқ келиб чиқади, деган савол ҳалигача ҳал этилмаган. Лекин юридик шахснинг ўзи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига тегишли мулкдан мулкдорнинг розилигисиз уни ҳада қилиш ҳуқуқи эга, башарти бу – унча катта қийматга эга бўлмаган оддий совға бўлса (ФК505-м).

ФК қоидаларидан кўриниб турибдики, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи асосидаги мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг тақсимланиши мулкдор ва у томонидан ташкил этилган субъект ўртасида амалга оширилади. Тотолитар марказлашиш шароитларида бундай савол бир томондан давлат органларининг мулкка нисбатан ҳуқуқ ваколатлари белгиланиши ва, 2-томондан, ягона мулк фондида нисбатан давлатнинг давлат социалистик мулкнинг ягона субъекти деб эълон қилиниши муносабати билан пайдо бўлди. давлат корхоналари ўртасида битимлар тузилганда “мулк ҳуқуқнинг ўтиши” аслида бўлмаган – улар давлатнинг мутлоқ ва оммавий мулккий ҳуқуқида бўлган мол-мулкка нисбатан жавобгарлик компетенциясини ўтказишган. Давлат органларининг бу компетенцияси оператив бошқарув ҳуқуқи деб аталган. Кейинчалик, давлат муассасаларининг ҳуқуқ субъектлари, деб тан олинishi ҳамда хўжалик органларининг ҳуқуқларининг кенгайishi хўжалиги ҳисоби шароитида тўлиқ хўжалик юритиш ашёвий ҳуқуқнинг ажралиб чиқишини талаб қилган. Оператив бошқарув ҳуқуқи эса давлат муассасаларига қолдирилган.

Мулк обороти ягона мулкдор – давлат доирасидан чиқиши даврида мулкнинг децентрализацияси билан шароит тубдан ўзгариши керак эди. Лекин маълум муддатга оператив бошқарув ва хўжалик юритиш ҳуқуқининг “қўлланиш доирасини чегаралаб” сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Ушбу ҳуқуқларнинг сақлаб қолиниши мулккий ижарага зарурат каби оқланади.

Амалиётда миллий компания ёки банклар каби субъектларнинг мулкга ҳуқуқлари билан боғлиқ қўпгина саволлар туғилади. Бир томондан, миллий компания ва банклар мулкни эркин тасарруф ҳуқуқи билан давлат муассасаларининг устав ҳиссалари ҳисобига ташкил этилади. Бошқа

томондан, уларнинг унитар ёки давлат корхонаси эканлиги тўғридан тўғри кўрсатилмаган, лекин улар тўла хўжалик мустақилиги асосида ўз мулки билан жавобгар бўлади.

Марказий банк каби баъзи давлат муассасаларининг мулкий ҳуқуқларининг шарҳлашда ҳам кўпгина муамолар келиб чиқади. 1995 й., 21 декабрь № 154-I “марказий банк тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига биноан, марказий банк давлатнинг мутлоқ мулкдир, лекин шў ҳаражатларини ўз дароматларидан қоплайдиган иқтисодий мустақил муассаса ҳисобланади. Бу ФК 76-модда, 1.қисмда мустақамланган мулкдор томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган муассаса тушинчаисдан тубдан фарқ қилади. Қонун буйича Марказий Банк Ўзбекистон олтин – валюта фондларини бошқариш, шунингдек, улар билан битимлар тузиш ваколати берилган (қонуннинг 40-43 м.,3-м.,2.қ,5.абз, 9-м.,1.қ,3.абз). Шу билан бирга ФК муассасанинг мулкдор томонидан бериган мулкни ҳар қандай бегоналаштириши тақиқланган (ФК 180-м.,1.қ).

Мулкдорнинг субсидиар жавобгарлиги.

Кўрилатган конструкцияларнинг энг эътиборли хусусияти мулкдорнинг ва хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи субъекти ўртасидаги мулкий жавобгарликнинг тақсиланишидир.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари буйича ўзига хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли барча мол – мулк билан жавобгар бўлади (ФК 70-м.,4.қ). Муассаса эса, ўз мажбуриятлари буйича ўзига тегишли пул маблағлари билан жавоб беради (ФК 76-м.,3.қ). Мулкдор, шунга қарамасдан, шўи томонидан бириктирилган мулк ёки пул маблағлари етмаганда унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади (ФК 72-м.,5.қ ва 76-м.,3.қ.2-жумла).

Мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши континентал ҳуқуқда қабул қилинмаган, лекин англо – саксон ҳуқуқига хос бўлган “мулк ҳуқуқи тақсимланиши” конструкцияси бизнинг қонунчилигимизда ҳам мавжуд. Давлат – мулкдор ва унинг корхогаси ёки муассасасми ҳуқуқлари мулк ҳуқуқига ўхшаб шакллантирилади, бу ҳуқуқлар ушбу субъектлар орасида тақсимланади ва мустақил амалда бўлади. Бунга мисол бўлиб, мулкдор – давлатда сақланиб қоладиган тасарруф этиш ҳуқуқи ва жавобгарлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги бўлиши мумкин. Оператив бошқарув ҳуқуқи асосида давлат корхонаси ёки муассасасига бириктирилган мулкни ҳар қандай тасарруф қилиш факт унинг мулкдори билан розилиги билан амалга оширилиши мумкин (ФК 179-м.,1.қ,180-м.,1.қ). У эса ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мулкни олиб қўйиши ҳамда уни ўз хоҳишича тасарруф этишга ҳақли (ФК 178-м.,2.қ). Давлатнинг ўзи ўз мажбуриятлари буйича ушбу мулк билан жавоб бермайди, унга энди давлат юридик шахси жавоб беради (ФК 70.,8.қ.,80-м.,1.қ). Шундай қилиб, давлат мулкка нисбадан мулкдор ҳуқуқларини сақлаб қолади, у билан давлат ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, уни ўз мажбуриятлари учун ўзларига тегишли бўлмаган мулк билан жавобгар бўладиган давлат органлари тасарруфига беради.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқарув ҳуқуқи конструкциясидан бутунлай воз кечган Венгрия, Чехия, Словакия, Озарбажон, Арманистон, Грузия, Туркменистон ва, ҳатто улрнинг мазмуни ва қўлланиш доирасини сезирали даражада чеклаб қўйган Белорус, Россия, Қозоғистон, Қирғизистондан фарқли равишда Ўзбекитон ФК мулк шакллари нитенглаштириш сиёсатини амалга ошириб, аксинча, унитар корхона ва муассасалар учун уларнинг қўлланиш доирасини кенгайтирди.

Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш ҳақида судга даъво билан мурожат қилиш ҳуқуқига эгадирлар (ФК 55-м., 8.қ).

Шуниси аҳамиятлики ҳусусий оборот амалиётда ушбу ҳуқуқларни ёмон қабул қилди, чунки улар таъсисчига солиқ солишда ҳеч қандай имтиёз бермай субсидиор жавобгарликни юклайди. Уларни қонунчиликда бекор қилиш учун оборотдан йўқ бўлиб кетишини кутиш фойдасисиздир. Бундай ҳолатга мисол, Қозоғистонда олинган фойдани мустақил тасарруф этиш ҳуқуқининг бекор бўлганлигидир.

совет ҳуқуқидан қабул қилинган давлат корхоналари ва ашёвий ҳуқуқларнинг махсус шакллари мавжудлиги давлат мулкани кредиторлардан ҳимоя қилиш эмас, балки унга йўл очиб беришни осонлаштириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Давлат корхона ва муассасаларининг ҳусусий товар айланмасидаги иштироки оммавий мулкдан фодаланишни оператив назорат ва контрол қилишни таъминлаш учун қатъий белгиланган консерватив рамкага солинди. Бунда, давлат корхона ва муассасаларига нисбатан мулкдор – давлатни самарали ҳимоя қиладиган бир ҳусусият мавжудлиги унитилмоқда. Давлат органларига нисбатан ҳали хомон *ultra vires* доктринаси амал қилади, демакки, давлат органи компетенцияси чугарвсидан чиқадиган ва унинг мақсад – вазифаларига тўғри келмайдиган давлат мулкани тасарруф этиш бўйича битимлар уставдан ташқари битимлар сифатида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Ислохатлар.

Эскирган констукциялар ўрнига ижарага асосланган муносабатларни қўллаш таклиф этилади: давлат мулккий комплекс сифатидаги корхонанинг мулкдори бўлиб қолади, ижарачи корхона эса ишлаб чиқараётган маҳсулотининг мулкдорига айланади. Албатта, бунда давлат ва тўлиқ мустақил ҳусусий корхона ўртасида ҳар қандай алоқа истисно қилинади, демакки, давлат – мулкдор ФК 177-моддасида кўрсатилган бошқариш ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини йўқатади: корхона ташқини қилиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларни аниқлаш, уни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, корхона деректори (раҳбари)ни тайинлаш масалаларини ҳал қилиш. Испанияда бу муносабатлар ҳусусий корхоналар томонидан маъмуриятнинг оммавий вазифаларини, масалан, шаҳар йўловчи ташишни бажариш соҳасида алоҳида ривож топди. Кейин, давлат муассаса ва

ташкilotлари ўзининг мустақил юридик шахс мақомидан маҳрум бўлиши мумкин. Уларнинг мулки ҳазинадан давлат мулкининг ажралмас бир қисмига айланади. Давлатнинг ўзи давлат корхонаси мулки эгаси деб топилади, чунки бу ерда бошқа мулкдорлар йўқ, яъни юридик шахс оралиқ субъект сифатида ташкил этилмайди. Бундай ҳолда ушбу тарзда бошқариладиган корхона мажбуриятлари юзасидан давлат ўзининг бутун ҳазинаси билан чекланмаган жавобгар бўлади. Ривожланган давлатларда сўнги пайтларда, АҚШда ҳар доим амал қилгани каби, давлат корхоналарини оддий компанияларга айлантиришга интилиш кузатилмоқда. Бу нарса оммавий бўлиммаларга ҳам тааллуқлидир. Уларга оммавий давлат мулкидан маълум мол-мулкнинг ажратилиши 2 та устунлик билан боғлиқ. 1-дан, бундай усулда ташкил этилган компаниялар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларига берилган мол-мулк доирасида кредиторлар олдида чекланмаган жавобгарлик эгасига автоматик равишда айланадилар. 2-дан, бундай вариант ушбу компанияларнинг хусусийлаштирилишини оsonлаштиради ва давлат бюджетига тушган юқниолишга ёрдам бериб, давлатга иқтисодиётни тартибга солиш сиёсатини амалга оширишда оson ҳаракат қилишига имконият беради.

Кўпгина цивилистлар давлат корхонасини оммавий мулк эгаси деб тан олиниши оммавий корхоналар мулкини давлат мулки сирасига киритадиган қонунчиликка зиддир. Лекин, давлат корхонасининг ўзига берилган мулкнинг мулкдори деб тан олиниши давлатнинг ушбу мулк устидан контролни юқотишини аңлатмайди. Аслида давлат – таъсисчи мулк ўрнига бундай корхонанинг бир қисмини олади. Давлат корхонаси ташкилий – ҳуқуқий шакли сифатида йўқолади, лекин капиталнинг келиб чиқишига қараб корхона характеристикаларидан бири бўлиб қолади. Давлат корхонаси ягона иштирокчиси давлат бўлган хўжалик жамияти шаклида фаолият юритади.

Бундай ҳолатга қарши чиқиб, оппонентлар, шунингдек, бу нарса ҳақиқий аҳволни акс этирмайди деб кўрсатадилар. Давлат корхонасининг оммавий мулкга нисбатан мулкый ҳуқуқлари хусусий мулкдорнинг ҳуқуқларидан фарқ қилади. Давлат корхоналари мулкнинг мақсадини ўзгартира олмайди ва факт тайёр маҳсулотнигина тасарруф этадилар. Давлат корхона тақдири ва оммавий мулкнинг ўзининг тақдири юзасидан мулк ҳуқуқи ва ташкилий ҳокимиятни ўзида сақлаб қолади.

Бундай важлрга қарши чиқиб, корхоналар тўғрисидаги ҳозирги қонунчиликка ҳавола қилиш мумкин. Демак, акционерлик жамияти ҳам уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишдан боштортишга ҳақли эмас, чунки акционерлар (шу жумладан давлат) фойда келтирмайдиган корхонадан манфаатдор эмас. Корпоротив бошқарувнинг ҳар қандай ҳатосини мулкнинг иштирок этишга бўлган ҳуқуқидан келиб чикдиган бошқарув органларини шакллантириш ҳуқуқи орқали оson тузатиш мумкин. Шундай йўсинда акционерлик жамиятининг ўзига тегишли мулкка нисбатан ҳуқуқнинг ҳажми ва чегараларини ўрнатиш мумкин. Шаблон сифатида хўжалик жамияти томонидан йирик бимтимлар тузишнинг алоҳида тартиби ҳизмат

қилиш мумкин. Давлат – акционер, оддий акционер ҳуқуқидан фойдаланиб, ФК 14-бобида кўрсатилган мулкни бегоналаштиришга доир яна бир қаттиқроқ қоидаларни бегилаши мумкин. Давлатнинг давлат корхонасига бириктирилган мулкка нисбатан ҳуқуқларни таҳлил қилиб, уларнинг таъсисчининг оддий ҳуқуқлари билан тўлиқ келишини қайид қилиш мумкин. Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхонанинг ягона таъсисчиси экан, давлат, ҳатто мулкка нисбатан ҳуқуқларини йўқотган тақдирда ҳам, мулкдан фойдаланиш ёки уни бегоналаштиришнинг ҳар қандай қоидасини ўрнатиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда давлат компаниялар фаолиятида ва тўлқ ёки қисман давлатнинг ҳусусий мулки мулки бўлган хўжалик жамиятларида оддий инвестор сифатида қатнашиши мумкин. Масалан, Германияда Фолксваген ва Люфтганза каби давлат корхоналари давлат оддий акциядор бўлган акциянерлик жамиятлари шаклида фаолият юритадилар. Испанияда эса, оммавий ҳуқуқ юридик шахси бўлган давлат холдинги тизими қўлланилади. Бу – ҳусусий корхоналарда иштирок этадиган *Институтто Национал деИндустриа (уни)* ҳисобланади. Австрияда давлат акционерлик жамиятлари тузишга нисбатан алоҳида ҳусусий ҳуқуқий қоидалари белгилаши мумкин, чунки бир аъзоли корпорациялар у ерда тақиқланган.

8. Сервитут ва мулкка эгалик ҳуқуқи.

Ҳаммага маълумки, мулкка эгалик ҳуқуқи мулк эгасининг мутлоқ ҳуқуқидир. Бироқ унинг ваколати чексиз эканлигини билдирмайди. Унинг чегаралари фақат шу ҳуқуқдан фойдалангандагина ўрнатилиши мумкин³³. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг чеклов ва чегаралари шу мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлигида намоён бўлади. Мулк эгасининг бошқа шахслар билан бўладиган муносабатларда унга тегишли бўлган мулкка уларнинг ўқмронлик қилиши фақат чеклашга олиб келмайди. Мулк эгасининг ўзи ҳукмронлигида ҳам чегаралари мавжуд (ФКнинг 172-моддаси). Ғарб юристлари мулкка мутлоқ эгалик қилиш ҳуқуқини оммавий чекланишини қўллаб-қувватлаш учун “ижтимоий вазифа” назарияси асосланган эди³⁴. Германия қонуни бўйича мулкдан фойдаланиш ҳокимият фаровонлигига хизмат қилиши керак (Қозоғистон ФК 6-моддаси 2-қисмига ўхшаш).

Мулк эгасининг бошқа мулк эгалари билан бир жойда мавжуд бўлиши уларнинг ўзаро эгалик қилиш эркинлигига риоя қилиши ва тан олиши, шунингдек жамият манфаатларини эътиборга олиши талаб этади. Шунинг учун қонунчилик мулкка эгалик қилиш эркинлигини жамият фаровон турмуши учун чеклаш мумкин. Бу эса ўз навбатида мулкнинг дахлсизлигини ва эркинлигини ҳеч қанча инкор этмайди³⁵. Муаммо эса ундан фойдаланишни чеклашда қандай, қачон қай меъёрда йўл қўйилишидан иборатдир. Бунда фақат мулк эгасининг ўзи томонидан бошқа шахслар

³³ Синайский В.И. Указ. Соч. с.217.

³⁴ Кулагин М.И. Указ соч. с.244-247.

³⁵

томонидан қўйилган чекловларни ажратиш керак. ФК 172-моддаси 2-қисмига мувофиқ, мулк ҳуқуқи амалга оширишнинг асосий шартларидан бири қонунда белгиланган тартибда мулк эгаси ўзининг мулкида бошқа шахслар фойдаланишига йўл қўйиб беришга мажбур.

Бу бошқа шахслар унинг мулкидан рухсатсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бир қаторда мулк эгасидан қандайдир ҳаракатлар қилиш талаб этилмайди, у фақат унинг фаолиятига ҳалақит ҳам бермаслиги керак.

ФК 172-моддаси 3-қисмига мувофиқ, мулк эгасининг ўзининг юқори турувчи ҳолатини суиистеъмол қилиш, бошқа шахсларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини, ҳуқуқларини бузадиган ҳаракатлар содир қилиш ҳуқуқига эга эмас. Масалан, қўшни ҳовлисига қуёш нурлари тушмайдиган қилиб девор қуриш.

Шундай қилиб сервитутлар ўзининг таркиби бўйича позитив, яъни мулк эгаси ўзининг кўчмас мулкни бошқа шахсларга чекланган тарзда фойдаланишга беради. Негативда эса мулк эгасининг кўчмас мулкдан фойдаланаётган шахсларга зарар етказмаслик мажбуриятидан иборатдир.

Ашёвий ҳуқуқ ва чекловлар фарқи шундан иборатки, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини чеклаш учинчи шахсларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берса ҳам, лекин у уларнинг фуқаролик ҳуқуқи ҳам, мулки ҳам эмас. Ашёвий ҳуқуқлар эса шу фуқаролик ҳуқуқларни беради³⁶.

Сервитутни учинчи шахсларнинг мулк ҳуқуқларида ифодаланган умумий термин “обременение” (чекловчи, ташвил орттирувчи)дан фарқлаш керак. Биринчидан мажбурият ҳуқуқи ҳам юқловчи бўлиши мумкин. Иккинчидан, “оммавий сервитут” каби юқловчи ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланмайди³⁷.

Умумий қоидага асосан мулк эгасини бошқа шахс фойдасига ижобий ҳаракатлар қилишга мажбур қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолда мулк эгаси амалга ошириш керак бўлган ҳаракати фақат бошқа шахснинг мулк эгасининг ҳуқуқига қийсладиган ўша мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга эга бўлгандагина келиб чиқадиган бўлиб қолиши мумкин³⁸.

Сервитут (лот.servitas-буюмларнинг хизмати) деганда бировнинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини (позитив сервитут) ёки мулк эгасини ўз мулкидан бошқаларга зарар етказган ҳолдан фойдани олдини олиш (негатив сервитут) сервитут фойдаланишди чекланган ашёвий ҳуқуқ ҳисобланади (ФК 165-модда, абзац 5. 1-қ.).

ФК 173-моддаси «Бировнинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) деб номланишидан қатъий назар аслида сервитут кўчмас мулкка нисбатан ва шахсга нисбатан белгиланади (173-модда 1-қисм).

Белгиланган сервитутни талаб қилиш ҳуқуқига эга шахс кўчмас мулк эгаси бўлмаслиги ҳам мумкин, балки умрбод мерос бўлиб ўтган эгалик

³⁶ Синайский В.Н. Указ соч.с.219.

³⁷ Қаранг: Камышанский В.П. Право собственности: пределы и ограничения. – М. 2000. С.25-29.

³⁸ См. подробнее: Кулагин М.И. Указ. соч. С.244-247.

хукуқи ёки доимий эгалик ва фойдаланиш хукуқига эга шахс ҳам бўлиши мумкин. Сервитутни талаб қилиш нафақат қўшни ерга балки ҳар қандай ер участкасига белгиланишини талаб қилиш мумкин (ФК 173-моддаси 1-қисми).

Сервитут бировнинг ер участкаси орқали ўтиш учун, электр линияларни ўтказиш учун, сув тармоқларини ўрнатиш учун, яъни шу кўчмас мулк эгаси ўз эҳтиёжларини сервитут ўрнатмасдан таъминлаб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади. Бунда сервитут юкланган мулк хизмат қилувчи, сервитут билан таъминланган эса ҳукмрон деб номланади.

Шахслар ўртасидаги сервитутни белгилаш бўйича келишув кўчмас мулкни рўйхатга олиш тартиби рўйхатга олиш керак. Агар келишувга келинмаса сервитут белгиланишини талаб қилаётган шахс даъвоси бўйича судда ҳал қилинади (ФК 173-моддаси 4-қисми). Бироқ сервитут белгиланганда “хизмат қилиш” участкаси эгаси сервитут кимни фойдасига ўрнатилган бўлса, ўша шахсдан фойдаланганлик учун ҳақ талаб қилиш хукуқига эга, агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса (ФК 173-моддаси 6-қисми).

Ер участкасига нисбатан сервитутнинг қўлланиши участка эгасининг унга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш хукуқидан маҳрум этмайди (ФК 173-моддаси, 3-қисми). Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки сервитут ўтиш хусусиятига эга, яъни у эгалик қилиш хукуқи хизмат қилувчи ва ҳукмронга ўтишда сақланиб қолади, агар қонунда бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса (ФК 165-моддаси 2-қисми).

Бошқа ашёвий хукуқлардан фарқли равишда, сервитут иқтисодий қийматга эга эмас, чунки у ҳукмрон ер участкаси билан бегоналаштирмайди. Бунда эса сервитутнинг аксессуар ва эргашув характери кўринади³⁹.

Сервитут фақат кўчмас мулкнинг “эҳтиёжини” таъминлаш учун хизмат қилади. Демак, сервитут шундай “эҳтиёж” йўқ бўлганда бекор бўлиши мумкин экан. Шуниси қизиқки, Ўзбекистон ФК мисол учун Россия ФКдан фарқли равишда сервитут бекор бўлишига ҳеч қандай асосни кўзламаган. Бундан ташқари ФК қонун рўйхатга олинган сервитутни ёки суд томонидан белгиланган мажбурий сервитутни тан олади (ФК 173-моддаси 4-қисми).

Умумий ҳукуқ амалда бўлган мамлакатларда (servitude, easement) сервитут аввалги тажрибаларга (easements unplied from prior existing use) муҳимоиоик (necessity) фактив йўл қўйиш (prescriptive easements) ёки адолатнинг бошқа томонлари (esfoppel) тан олинishi мумкин.

Қўшничиликка оид ҳукуқ ва сервитут. Бу ҳукуқ соҳаси бизда унча ривожланмаган⁴⁰. Қўшничиликка оид ҳукуқ қуйидаги ҳодисаларни тартибга солишга қаратилган қасддан зарар етказиш (intentional nuisance) ерни ўзгартириш (jus additicy) ёки (development right) суперфицит (superficies), курилиш чегараларини бузиш, бино куриш (power over building or borders)

³⁹ Гражданское право. //Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. 1997. с.144.

⁴⁰В ГК Азербайджана этому посвящена Глава 8 “Ограничения права собственности” Раздела III “Вещные права” (ст.169-177), в ГК Туркменистана - Глава 2 “Соседское” право Раздела 3 “Собственность” Части 2 “Вещное право”.

атайлаб деворни кўтариш (spiteful fencing) ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (abuse of rights), мусобақалашув (aemulatio) кўшничилик муносабатларни бузиш (troubles de voisinage), эстопел (estoppel) ва бошқалар⁴¹.

Мисол учун Д.Локк умуман эгалик қилиш ҳуқуқининг келиб чиқишини “шартнома келишуви орқали” ёки ўзининг ҳудудини чегараларини белгилаш билан кўшничиси билан ажратиб олиш муҳимлиги билан боғлаган⁴². Мана шундай ҳолатлар кўшничилик ҳуқуқи институти юзага келишига асос бўлади⁴³.

Кўчмас мулкнинг ўзига хослиги (шундаки) унинг табиат дунёсига тегишлигидадир. Агар ер кимирлаши оқибатида мулкка зарар етса жавобгарлик эгасининг ўзида бўлади. Агар бундай зарар кўшин томондан келтирилган бўлса, жавобгарлик уни бўйнида бўлади.

Кўшничилик ҳуқуқи бу масалани ҳал қилишнинг 4 та вариантини келтиради: 1) мулк эгаси кўшинининг салбий таъсирларига барюош бериши керак (172-модда 1-қисми); 2) мулк эгаси кўшнисига сервитут орқали ўзининг мулкидан чегараланган тарзда фойдаланишга йўл қўйиш керак (ФК 172-моддаси 2-қисми); 3) ўз юқори ҳолатидан фойдаланиб, бошқаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳуқуқига эга эмас (ФК 172-моддаси 3-қисми); 4) мулк эгаси негатор даъво орқали ўз ҳуқуқлари бузилишини бартараф қилиш ҳуқуқига эга (ФК 231-модда, 165-модда 3-қисми).

Ер участкасига нисбатан эгалик ҳуқуқи унинг тепасидаги ҳаво бўшлиғига ҳам ва унинг тагидаги ер нердрасига *ab inferis usque da sidera*” жаҳаннамдан юлдузларгача” тарқалиши керак. Шунинг учун бир мулк эгаси “бир томондан бошқасига буйруқ бера олмайди, уники эса ўз қурилиши билан қуёшни ёруғликни, ҳаво оқимини тўсиб қўяди. Бошқа томондан эса, мулк эгаси бемалол ўз ҳуқуқидан фойдаланмоқда, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни бартараф этган ҳолда.

Бу ҳолатлар орасидаги бўлиқни негатив ва позитив сервитут тўлдиради. Асосий муаммо шундаки, қай меъёردа мулк эгаси ўз кўчмас мулкидан эркин фойдаланиши мумкин, кўшнилариинг эътирозини чиқармасдан, чегара қаерда, қачонки, мулк эгаси ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганда суиистеъмоллик деб баҳоланади. Кўшничилик ҳуқуқига мувофиқ, биринчидан, мулк эгаси кўшни томонидан бўладиган салбий таъсирларга бардош бериши керак, агар кўшни участка мавжуд бўлса ёки хўжаликишларига муҳим бўлса. Германия қонуни бўйича одатий, нормал фаолиятларда кўшин рухсати талаб этилмайди. Мисол учун, муҳика товуши. Бироқ у чегарадан ўтиб кетса, ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади. (Маъмурий жавобгарлик кодекси 192-модда. 1 апрел 1995).

Иккинчидан, нормал фаолиятни амалга оширишда мулкка зарар етиши керак эмас. Шундай ҳолатлар бўладикки, биров мулкига таъсир ўтказиш

⁴¹ Қаранг: Маттеи Уго. Указ. соч. С.175-238.

⁴² Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. С.240; Маттеи Уго. Указ. соч. С.19-26.

⁴³ Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. С.240; Маттеи Уго. Указ. соч. С.19-26.

(imissio) уни баҳолаб бўлмайди, чунки у ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди, зарар етказмайди. Бундай таъсирлар ўлчанмас деб номланади (906 ГГУ).

Ҳал қилинадиган масала кўчмас мулк эгасининг қонун томондан бўладиган ҳақиқий зарардан сақлашдир. ФК 172-моддаси 4-қисми фақат фуқароларнинг соғлиғини ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш, мулк эгасини келтирилган зарарни бартараф қилишга мажбур этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -380 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -431 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.- 120 б.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон. 2009.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.Т.: Маънавият,2008.-176 б.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.
- 12.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни.
5. Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 1997 йил 23 декабрдаги еарори билан тасдиеланган “Ижара муносабатларидан келиб чисадиган низоларни іал этиш бўйича республика ҳўжалик судларида еонунчилиқни тадбие этиш амалиётининг айрим масалалари юзасидан” Тафсилот

6. И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Т., “Адолат”, 1996 йил.
7. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II) Т., “Адолат”, 1999 йил.
8. Х.Раҳмонкулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1997 йил.
9. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 1998 йил.
10. Ҳ.Раҳмонкулов Олди-сотди шартномаси.-Т.:Адолат.2000.-136 б.
11. Гражданское и торговое право капиталистических государств. учебник. 3-е. изд, прираб. и доп. -М.: Международ. отношения. 1993.
12. Гражданское и торговое право. общая часть. Сборник документов. Состав.:Богачева Т.В. -М.: Манускрипт. 1996.
13. Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. Гражданское право. в 3-х томах. -М.: Проспект. 1998.
14. ЛГУ. 1949. С.76.
15. Синайский В.И. Русское гражданское право. Общая часть и Вещное право. – Киев. 1914.
16. Райхер В.К. Абсолютные и относительные права // Известия экономического факультета Ленинградского политехнического института. Вып. I. 1928.
17. Генкин Д.М. Право собственности в СССР. – М.: Госюриздат. 1961.
18. Ефимова Л.Г. О соотношении вещных и обязательственных прав. // Государство и право. 1998. №10. С.38.
19. Гражданское право. Часть 1. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М.: Проспект, 2000.
20. Асъянов Ш.М. Право публичной собственности.– В кн.: Материалы практической конференции “Совершенствование законодательства о собственности в условиях рыночной экономики”. – Т.: ГТЦ. 1995. С.24-25.
21. Джусупов А.Г. Право собственности и иные вещные права. – Алматы: Жеті Жарғы. 1996.
22. Гражданское и торговое право капиталистических государств. С.194-195.
23. Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском праве России. – М.: Бек. 1996.
24. Гражданское право. Том 1. / Под ред. Е.А. Суханова. – М.: БЕК. 1994.
25. Вещные права в Республике Казахстан. / Отв. ред. М.К. Сулейменов. – Алматы: Жеті Жарғы. 1999.
26. Иоффе О.С. Советское гражданское право: (Курс лекций): Общая часть. Право собственности. Общее учение об обязательствах. – Л.: Изд-во ЛГУ. 1958.
27. Гражданское право. / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 2000.

28. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общие положения. – М.: Статут. 1997.
29. Кавелин К.Д. Права и обязанности по имуществам и обязательствам в применении к русскому законодательству. Опыт систематического обозрения. – СПб. 1879.
30. Брагинский М.И. К вопросу о соотношении вещных и обязательственных правоотношений. – В сб.: Гражданский кодекс России. – М. 1998.
31. Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. – М.: Дело. 2000.
32. Суханов Е.А. Право собственности и иные вещные права в России. – В кн.: Основные положения права собственности. – М.: Юристъ. 1999.
33. Гражданское право. Учебник для вузов. Часть 1. / Под ред. Т.И. Илларионовой, Б.М. Гонгало, В.А. Плетнева. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА · М. 1998.
34. Раҳмонкулов Ш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 жилд.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997.
35. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасини фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1996.
36. Скловский К. Приобретательная давность. // Российская юстиция. 1999. №3. С.18-19
37. Introduction to dutch law for foreign lawyers. Secend revised edition edited by J.M.J. Chorus.-The Netherlands, deventer: kluwer. 1993.p.63
38. Дозорцев В.А. Принципиальные черты права собственности в Гражданском кодексе. – В сб.: Гражданский кодекс России. – М. 1998.С.228-271.
39. Суханов Е. Право хозяйственного ведения и право оперативного управления Комментарий Гражданского кодекса Российской Федерации // Хозяйство и право. 1995. №7. С.4.